БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМА АЁЛЛАР!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 7-mart, payshanba
№ 28 (14519)

АЁЛ, ҚАДР, ЭЪЗОЗ

Ҳар қандай гул қовжирайди. Нарса-буюм қадрини йўқотади. Аммо...

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги совриндорлари. (Улар ҳақидаги мақолаларни газетанинг кейинги сонларида ўқийсиз.)
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Аслида, фақатгина саккизинчи мартни хотин-қизлар куни санаймиз. Бироқ бугун мамлакатимизда аёлларга берилаётгани эътибордан келиб чиқиб айтганда, иккиланмай ҳар бир кунимизни аёллар куни, деб айтиш мумкин.

Бунинг боиси бор, албатта. Аёлларга эътибор қаратиш ҳамда уларни қонқариндош, опа-сингил, севимли она, меҳрибон буви сиймосида эъзозлаш аждодларимиздан бизга мерос ўтган инсонпарвар удумдир. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Биргина аёллар соғлиғи борасида юртимизда қилинган ишларни эслашнинг ўзи кифоя. Бундан 10 йил илгари аёллар соғлиги ҳақида бир нима дейишга ҳайиқардик. Фақатгина 8 март байрами кунлари тилда эъзозларди-гу, байрамдан сўнг барчаси унутиларди. Бугун эса баралла айта оламиз, ҳаёт тамомила ўзгарди. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мастаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини бу борадаги ҳаракатнинг амалий бир натижаси деб баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан аёллар билан боғлиқ амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, истеъдодли қизларимизнинг ҳар соҳада иқтидорини намойиш этиш учун ташкил қилинган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ўзи ҳар қанча эътироф этишга арзийди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2001 йилнинг "Аёллар йили" деб аталиши эса барча аёлларимиз кўнглини тоғдек кўтарди, десак янглишмаган бўламиз.

— Ўттиз йилдан ошдики, таҳририятда хизмат қиламан. Сершиддат ёшлик йилларим шўролар даврида кечганидан афсусланган пайтларим кўп бўлган. Негаки, бугун давлатимиз қизларга ҳам беҳисоб имкониятлар яратмоқда. Хорижнинг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олиб қайтишяпти. Бир қанчаси ишбилармон тадбиркор, яна бир қанчаси раҳбар сифатида жамиятнинг фаол аъзоси бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг бари мустақиллик ҳамда Президентимизнинг эътибори туфайли амалга ошди. Юқорида бежизга 30 йиллик фаолиятимни эсламадим. Чунки, илгариги узоқ йиллик фаолиятимдан кўра кейинги йиллар эсда қоларли кечди. Меҳнатим қадр топди. Ҳукуматимиз томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Аёлларга эътиборли юртда қанча ишласанг ҳам чарчашни билмас экансан, — дейди ҳамкасб опамиз Гулнора Холбекова.

Шу мазмундаги сўзларни республикамизнинг барча туман ва қишлоқларида яшаётган аёллардан ҳам эшитишимиз мумкин.

Хуллас, гапнинг пўсткалласини айтганда, 8 март — аёлларимиз янада қадрланадиган, эъзозланадиган кун. Биз, одатда аёлларни бир боғ гул ёки бирор бир қимматбаҳо совға билан табриклаб, гўё шу билан зиммамиздаги вазифани бажаргандек бўламиз. Бироқ ҳар қандай гул қуриб-қовжирайди, нарса-буюм қадрини йўқотади. Аммо, бир оғиз ширин сўз ва меҳр ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Эзгулик уруғи қалбда кўкаради, унинг ширидан шакар меваси эса беҳисоб "бойлик"дир.

Шавкат АБДУХОЛИК

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўстонлиқ туман Кенгаши томонидан туман маданият саройида "Садоқат" мавзуида кеча ўтказилди. У ёшларга Ватан олдидаги бурчни англатиш, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилди. Унда туман Кенгаши раиси Б.Ибрагимов ёшларнинг Ватан олдидаги бурчлари, юртга садоқат ила хизмат қилишнинг шарафли ва масъулиятли вазифа эканлиги, аждодларимизнинг бу борада кўрсатган жасоратлари ҳақида гапирди. Сўнг маданият саройининг ҳаваскор санъаткорлари, режиссёр Шерзод Сайфиев томонидан саҳналаштирилган "Садоқат" деб номланган спектаклни намойиш этишди. Ушбу спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирди.

* * *

ЁШЛАРИМИЗ маънавиятини юксалтириш, уларга халқимиз тарихи ҳақидаги билимларни чуқур ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида доимий равишда ўтказиб келинаётган "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикасидаги туман босқичлари ўз ниҳоясига етди.

Қизғин курашлар остида ўтган баҳсларда Кегейли туманининг "Ота макон", Қўнғирот туманининг "Беш қалъа", Нукус шаҳрининг "Ажиниёз" ва Тўрткўл туманининг "Турон" жамоалари ғолиб чиқиб, навбатдаги босқичга йўлланма олишди.

* * *

КЕЛАЖАК авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ва улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Унда иштирок этаётган ёшлар сафи эса тобора кенгайиб бормоқда.

Яқинда худди шу мақсадда Ҳаракатнинг Оққўрғон туман Кенгаши томонидан Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллалар ўртасида ўтказилган футбол турнири ниҳоясига етди. Унда Уста Нормат номидаги маҳалланинг ёш чарм тўп усталари ғолиблик шоҳсупасини эгаллашди.

* * *

ШУ КУНЛАРДА жойларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон-фермер хўжаликлари ва ҳунармандлар ўртасида "Ташаббус-2002" кўрик-танлови ўтказилаётганидан юртдошларимизнинг хабарлари бор, албатта. Яқинда Нукус шаҳрида ушбу кўрик-танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Республика ҳудудида фаолият юритаётган элликдан ортиқ тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари ва ҳунармандлар иштирок этишди. Танловда "Энг яхши ҳунарманд", "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши бизнес режаси учун", "Энг яхши нуроний тадбиркор" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Шуниси диққатга сазоворки, кўрик-танловда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Энг ёш тадбиркор" номинацияси ҳам эълон қилинган эди. Ушбу номинацияга Шуманай туманида жойлашган "Равшан" хусусий корхонаси раҳбари Дилбар Алламу родова сазовор бўлди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши матбуот хизмати

* * *

"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти Кенгаши ҳамда вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Жиззах индустриал касб-ҳунар коллежида ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти фаолиятини кучайтиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарда вилоятдаги барча коллеж ва лицейларнинг маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосарлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда фаол талаба ёшлар иштирок этишди.

Семинарда асосий эътибор бугунги кунда ёшлар муаммоларини ўрганиш, ечиш, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга қаратилди.

Сўзга чиққанлар бошланғич ташкилот фаолиятини ривожлантиришга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бахром ЎТАЕВ

БАҲОР



Кўкда кезиб "чалворли" булут,
Замин узра айланиб қолар.
Дув-дув ёшин оқизиб, ерни
Томчи-калтак билан савалар.

Боши узра тушган зарбадан,
Майса гуллар кўтаради бош.
Яшил тўнни кияди арча,
Шўх чарақлаб илитар қуёш.

Ўрик оппоқ гулга ўраниб,
Энтикади такрор ва такрор.
Қушлар қуриб ўзига ётоқ,
Чуғурлашар: "Келдингми баҳор?"

Лолаларнинг қонин оқизиб,
Алвон рангга бўялар қирлар.
Чиқаётган куртакка боқиб,
Дарахт ёшлигини хотирлар.

Янги кунни кўришиб баҳам,
Ҳар тирик жон келар жунбушга.
Юз баҳорни қаршилаб отам,
Боқар, ястанганча болишга.

Елкасидан кетмони тушмай,
Кетаётир бободеҳқоним.
Пешвоз чиқиб, баҳорга шошмай,
Гул тутмоқда Ўзбекистоним.

Васила СОДИҚОВА,
Хатирчи туманидаги 13-мактаб ўқувчиси

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТИ

БАХТИ КУЛГАН ҚИЗ

Ирода АСИЛБЕКОВА — Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетининг тўртинчи курс талабаси. Инглиз, француз, араб ва рус тилларида мукаммал гаплаша олади. Ундан ташқари, япон тилини ҳам ўрганмоқда.

— Ирода, аввало Президент стипендиясини олишга қандай қилиб эришганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Биринчи курсдан то ҳозиргача баҳоларим аъло бўлганлиги, дарсларда фаол иштирок этганлигим, қолаверса, махсус белгиланган имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганлигим учун Президент стипендиясини олишга муваффақ бўлдим.

— Қандай йўналишлар бўйича имтиҳонлар топширдингиз?

— Биринчи ўринда мендан чет тили, тарих ва информатикадан имтиҳон олишди, шунингдек, оғзаки суҳбатдан ҳам ўтдим.

— Бунинг ўзига хос масъулияти ҳам бўлса керак?

— Албатта, айниқса, дарс жараёнида домлаларимиз бошқа талабаларга нисбатан мендан кўпроқ жавоб беришимни талаб қилишади.

— Телевидениеда ҳам ишлайсиз, қийин эмасми ўқиш билан ишни эплаш?

— Биласизми, ҳаётда бирор нарсага эришиш учун нимадандир воз кечишга тўғри келади. Шунинг учун мен мақсадларимга эришиш йўлида вақтни беҳуда ўтказишдан ўзимни тияман.

Қадимда ота-боболаримиз "қиёмат бошланишига оз фурсат қолса ҳам экин экинглар, токи ноумид бўлманглар" дейишган экан. Бундан кўринадики, инсон қалбида умид бўлиши керак.

— Президент стипендиясини олишга эришганингиздан кейин яқинларингизни сизга бўлган муносабати ўзгардими?

— Аввало, ота-онам, устозларим, қолаверса, дўстларим мени бу муваффақият билан табриклашди. Лекин муносабатларида унча ўзгариш сезмадим.

— Сизнингча, ҳозирги талабалар қандай иллатлардан воз кечиши керак?

— Дарс бераётган домла яхшими, ёмонми, барибир ундан бирор нарса олса бўлади. Биз талабалар эса билим олишга ҳаракат қилмаймиз, изланмаймиз, интилишимиз, қизиқишимиз йўқ ўқишга. Дарс жараёнида тушунмаган мавзуимизни домладан сўрашга уяламиз кўп ҳолатларда. Кўпчилигимизни аниқ мақсадларимиз йўқ, диплом учун ўқиймиз.

— Келажакдаги режаларингиз ҳақида?

— Арабистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида ишлаб, Араб маданияти, санъати, миллий урф-одатларини ўзбек халқига танитиш, қолаверса, Арабистонга ўзбек санъати, маданияти, миллий урф-одатларини таништириш ниятларим бор.

Рустам ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди

БУГУНГИ ЁШЛАР

КЕЧА МАГИСТР — БУГУН МУТАХАССИС

Самарқанд қадимдан илм-маърифатнинг маркази саналади. Самарқанд Давлат университети, Қишлоқ хўжалиги, Тиббиёт, Кооператив ва Меъморчилик институтлари, бир қанча ўрта махсус ўқув юртлари республика учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганидан кейин таълим тизимида улкан туб ислоҳотлар қилинди. Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёш авлод камолоти йўлидаги муҳим саъй-ҳаракатлардан биридир.

Самарқанд Давлат университети Республикамиз ўқув юртлари орасида ўз мавқеига эга бўлган, нуфузли билим масканларидан ҳисобланади.

Бу мўътабар даргоҳ халқ хўжалигининг турли соҳаларига етук мутахассислар тайёрлаб бераяпти. Ўтган йили йигирма бир мутахассислик бўйича етмиш саккиз нафар талаба ўрта махсус ўқув юртларида ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар.



магистратурани тамомлади. Шундан ўн икки нафари аспирантурага кириб, ўқишни давом эттирмоқда. Қолганлари ҳам олий ва

— Биз ёшларимизни ҳар томонлама камол топиши, уларда чуқур билим, юксак маънавият ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун қўлимиздан келган барча имкониятларни ишга солмоқдамиз, — дейди педагогика факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор Холбой Ибрагимов. — Факультетимизда элликдан зиёд ўқув хоналари, иккита устахона (металл ва ёғочларга ишлов бериш, бичиш-тикиш) мавжуд. 6 нафар фан доктори, 40 дан зиёд фан номзодлари факультетимизда ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Фахриддин Теша, Абдураҳмон Маматов сингари университетимиз фахрига айланган мураббийларимиз бор.

Президент стипендияси соҳиби Наима Султонова, "Баркамол авлод" ўйинларида "Тико" автомашинасини соҳиби бўлган Ирода Ҳамроқуловалар бизда ўқишади.

Содиқ НАМОЗОВ, «Turkiston» мухбири

XXI аср — ёшлар асри

Нигора ТОШМУРОДОВА, Жиззах вилояти

ОБУНА ФАЗОМ ЭТМОҚДА

Васила СОДИҚОВА, Хатирчи тумани

Янги дунё — ёшлар дунёси

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

«KAMOLOT» hududi

«Камолот» — ишонч мактаби

Мамлакат ёшларини юксак мақсад ва ғоялар атрофида бирикишга чорлаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати иш бошлаганига ҳам салкам бир йил бўлди. Бу давр мобайнида ёшларнинг бахтли келажагини кафолатлайдиган тадбирлар амалга оширилди. Бугунга келиб, айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида Ҳаракатнинг ўрни тобора чуқурлашиб бораётганлиги ҳам шубҳасиздир.

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар кишини қувонтиради. Туман мактабларида "Камолот" ташаббуси билан ҳар куни бир тадбир бор. Биз борган кунда ҳам худди шундай бўлди. Бўш ўтирган ёки вақтини беҳуда ўтказаётган ўқувчини тополмадик. Ҳаммаси муҳим амалий тадбир ва юмушлар билан банд. Ўқувчиларни саволга тутсангиз, "Камолот" хусусида дадил гапиради, ёрқин фикрлайди.

Айни паллада Шайхонтоҳур туманида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 17 минг нафардан ортиқ аъзоси бор. Шунингдек, 42 та мактаб, 3 та институт, 16 та лицей, касб-ҳунар коллежлари, 48 нафар маҳалла ёшлари "Камолот" билан мустаҳкам алоқада. Тумандаги 19-мактабда амалга оширилаётган кенг миқёсли тадбирлар бугун нафақат ўқувчиларни, балки катта ёшдагиларни ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда.

— Биз — дейди Ҳаракатнинг туман Кенгаши қошидаги болалар ташкилоти раиси Шаҳноза Даминова, — бу мактабда "Камолот" фаолиятига Фарруҳ Нишонов бош-қош. У ҳаттоки, ўқитувчилар, ота-оналар билан ҳам ишлай олиш қобилиятига эга.

Дарҳақиқат, Шаҳноза Даминованинг фикрларининг амалдаги исботини ҳам кўрдик. Ҳақиқатдан ҳам ушбу мактаб раҳбари ва ўқитувчилари томонидан ёшларимизнинг бугуни ва келажагига алоҳида эътибор берилмоқда. Кенг ва ёруғ хона "Камолот" учун ажратилган. Айни паллада таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бир неча юз минг сўм сарфланиб, керакли жиҳозлар олинди. Махсус деворий газеталар ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ёшлари ҳаётига оид турли хабар ва янгиликлар доимий равишда ёритилиб борилмоқда. Сирасини айтганда, мактаб ўқувчилари фаолиятида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг беқиёс ўрни борлиги ўз-ўзидан аён. Етакчи Фарруҳ Нишоновга тадбир ва ташкилотчилик масаласида мактаб ўқувчилари ҳам қўлидан келганича ёрдамлашмоқда. Натижада "Камолот"нинг обрўси тобора ошмоқда.

2002 йилнинг дастлабки икки ойида Ҳаракатнинг Шайхонтоҳур туман Кенгаши болалар ташкилоти томонидан ўнлаб турли тадбирлар уюштирилди. Ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш учун мамлакат Олий Мажлиси биносига, Тошкент шаҳар ҳокимиятига ва бошқа муҳим маъмурий идораларга саёҳатлар уюштирилди. Қутубхоналар, спорт иншоотлари, муҳим йиғинлар ўтказиладиган жойлар билан таништирилди. Бундай экскурсия ва тадбирлар давомида туман мактаблари ўқувчилари депутатлар, турли идораларда ишлайдиган раҳбарлар билан мулоқотлар уюштирилди. Бошқарув ва қонунчилик, ижро масаласида маълум фикр ва мулоҳазаларга эга бўлишди. Экскурсиядан сўнг ҳар бир мактаб ва синф ўқувчилари олган таассуротлари асосида эркин мавзуда иншо ёзиб топширдилар.

Шуниси таажжубланарлики, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаркатининг кўпгина туман Кенгашларида турли баҳоналар сабаб баъзан болалар ташкилотига етарлича эътибор берилмай қолади. Бунинг сабабини сўрасангиз, ҳаммасини маблағ етишмаслигига келтириб тақайдилар. Ваҳоланки, улар тадбир ва турли жараёнлар учун алоҳида маблағ билан таъминланиб борилмоқда. Бироқ, Шайхонтоҳур туманида бундай баҳоналар қулоққа чалинмади.

— Ҳозирча ўзимиз топаётган маблағ ўзимизга етиб турибди, — дейди биз билан суҳбатда Ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси Баҳодир Сулаймонов. — Ҳар бир муҳим сана, байрам учун алоҳида дастур ишлаб чиқамиз ва қуруқ гапдан кўра амалий ишга кўпроқ эътибор берамиз. Ҳисоб рақамимизда 20-25 миллионлаб маблағ айланади. Яқинда пойтахтимизни иккига бўлиб оқадиган Анҳор атрофида ёшлар боғини ташкил этмоқчимиз. Бунга Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳам розилик билдирди. Улар бизни қўллаб-қувватлаш ниятида.

Дарвоқе, Баҳодир Сулаймоновнинг раҳбар сифатидаги истак ва орзулари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашлари хусусидаги фикримизни бутунлай ўзгартириб юборди. Биргина туман Кенгаши катта шаҳар марказида махсус боғ ташкил этиш арафасида турган экан, демак, "Камолот" ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб бормоқда.

Биз Ҳаракатнинг туман кенгаши қошидаги болалар ташкилоти раиси Шаҳноза Даминова, ўқувчилар ва мактаб директорлари билан анча суҳбатлашдик, баҳслашдик. Баъзан ҳал бўлмай турган муаммоларни рўкач қилиб, ҳар томонлама синаб кўрдик. Бунинг натижасида шунга амин бўлдикки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қайтадан иш бошлаганига ҳали бир йил тўлмасиданоқ, ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчилари бу ташкилотга таянадиган, суянадиган, зарур пайтда уларни қўллаб-қувватлайдиган паллага етиб келибди. Қувонарли жиҳати шуки, бугунги ўсмир ёшлар "Камолот"нинг ким ва нима эканлигини биз катталардан кўра аниқроқ фаҳмлашмоқда. Бу борада баҳслашиш, суҳбатлашиш ва таъбир жоиз бўлса, дардлашиш учун ўзларида иштиёқ сезилмоқда. Демак, умидлар аста-секинлик билан ишончга айланмоқда.

Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

Иқтидорли ўқувчиларнинг биринчи республика конференцияси ғолиблари Муҳаммад Жамиев, Анвар Ёрмуҳаммедов ва Комила Юнусова

Нормурод МУСОМОВ,
«Turkiston» мухбири

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда Республика Давлат тест маркази ҳаракати билан Термиз тиббиёт коллежида янги тест марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур марказ бевосита коллеж раҳбарияти ва Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг саъй-ҳаракатлари туфайли юзага келди. Бу ерда талаба ўқувчилар кун давомида Давлат тест маркази билан модем алоқа воситаси ёрдамида боғланиш имкониятига эга бўлишди. Марказлаштирилган компьютернинг саволлар жамғармасидан ҳар бир ўқувчи фанлар бўйича керакли тест саволларини олади. Саволлар юзасидан юборилган жавобларнинг натижаси ҳам бир вақтнинг ўзида компьютер экранида намоён бўлади.

Термиздаги Марказнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳиддинов Сурхондарё ёшларига яратилган яна бир қулайлик тўғрисида ўз фикрларини билдириб, жумладан шундай деди: "Эндиликда вилоят ёшларининг билим савияси ошиши кутилмоқда. Негаки, ўтказилган тест синовлари таҳлили шуни кўрсатдики, вилоят ёшларининг билим савияси республикада энг сўнгги ўринларда қолмоқда. Шу боис, бундай марказларни, керак бўлса ўрта мактабларда ҳам очишга ҳаракат қиляпмиз. Ўқувчи ўз билимини бир эмас, бир неча маротаба компьютерда синаб кўрсин".

Чори ЖУМАКУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

ILLAT

Сигарет чекаётган қизлар ҳам бор

ГУГУРТИНГИЗ БОРМИ, ТУТАТИБ ОЛСАМ...

Мустақиллик ёшларнинг дунё маданияти, тараққиёти, турмуш тарзи билан танишишларига кенг имконият яратди. Энг замонавий компьютерлар, лингафонлар, рангли кино тасвир жиҳозлари ёшларнинг ўқув қуролларига айланиб бормоқда.

Аммо илғор технологиялар қаторида мамлакатимизга хориж дискотекалари, энг сўнгги модалари, кўчада бемалол юришни тарғиб қилувчи фото журналлари ҳам кириб келди. Хориж "маданиятига" чанқоқ ёшлар эса яхшини ёмондан фарқлаёлмай, барчасини бирдек ўзларига сингдиришмоқда.

Кўчаларда тортинмасдан қимматбаҳо тамаки чекиб юрган қизларни учратиш мумкин. Ҳатто чекиш гўё "замонавий маданиятнинг белгиси"га айланиб бораётганлиги жуда-жуда ачинарлидир.Чилонзор туманидаги диско-клубларнинг бирига атайлаб бордик. 30-40 нафар ёшлар бемалол сиғадиган зал, тўрида эстрада асбобларини жойлаштиришга мўлжалланган саҳна, зал атрофига стол, стуллар қўйилган. Бир чеккага бориб ўтирдик. Тамаки тутуни, турли оёқларнинг дупурлашидан кўтарилаётган чанг, қоронғуда милтираётган рангли чироқлар ғалати манзара касб этган. Ифлосланган ҳаводан нафас олаётган ёшлар ўз умр дарахтлари илдизига ўзлари болта ураётганликларини, тамаки таркибидаги никотин чекаётган одамга нисбатан тутунини ютаётган одамга кўпроқ зарари борлигини билишармикан?

Янграётган мусиқа оёғи чалкашган бузоқнинг ҳаракатига ўхшайди. Ёш йигит-қизларнинг ҳар бири ўз билганича, баъзиси ўзига-ўзи қўшиқ айтиб ҳам рақсга тушяпти. Аслида диско-клублар ёшларнинг маданий дам олиш масканларига айланиши керак эди. Кўнгилхушлик қиладиган жойга айлангани ачинарли, албатта.

Ҳамроҳим билан мулоҳаза юритиб тургандик, қўшни столда ўтирган қиз бизга яқинлашди-да, "Гугуртларингиз борми, тутатиб олсам...", деб қолди. Нафасидан спиртли ичимлик ичганлиги сезилиб турарди. Албатта, бу каби хилват гўшаларда ёшлар ўзларини эркин тутиб, кўнглига келганини қилишга имконият топадилар. Буларнинг гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилмасликларига эса ҳеч ким кафолат беролмаса керак.

17-18 ёшни қоралаган йигитни суҳбатга тортдик:

— Биласизларми, тўғриси, кейинги пайтда клуб раҳбарлари нархини оширишди. Масалан, ўғил болаларга 1000-1500 бўлса, қизларга 500 сўм. Нима, уларнинг шохи борми? — У исмини айтишни хоҳламади.

— Пули қиммат бўлса, келиб нима қилардинг. Бу ерда на дам олиб бўлади, на нафас олиб, — дедим, мулойимлик билан.

— Ўйда бекорчиликдан зерикиб кетаман. Бу ерда азгина...

Умуман, ёшларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчилари экан. Баъзиси дафтар, ручкага, деб ота-онасидан пул олса, баъзиси устозим сўраяпти, деб ҳам пул оларкан.

Балоғат ёшида йигит-қизлар ўз ҳаётида ниманидир ўзгартиришга ишқибоз бўлади. Бундай пайтда ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги масъулияти ортади. Бу даврдан суринмасдан ўта олган фарзанд келажакда жамиятнинг етук аъзосига айланиши табиий.

Мактабда ўқирдим. Тенгдошларим билан пахта териб юрувдик. Бир ўртоғим бизни ёнига чақирди. Бордик. Чўнтагидан "Демок" тамаки қутисини чиқариб: "Кўрдиларингми, нима сотиб олдим", дея мақтанди. Шу пайт узоқда бригадир кўринди. Шоша-пиша тамакини тупроққа кўмдик ва ўз қаторларимизда пахта теравердик. Бригадир бизга эътибор қилмади, ўтиб кетди. Яна тўпландик. Қизиқишга ҳаммамиз тамаки донасидан битта-битта олдик. Секин, ғўзаларга паналаб, чека бошладик. Қўққисдан тепамизда бригадир пайдо бўлди. Тамаки олиб келган ўртоғимни бир шапалоқ урди-ю, отасининг олдига бошлаб кетди. Шу-шу тамаки чекмайдиган бўлдик. Ҳозирги ёшларга эса тушунтиришга уриниб кўринг-чи, жанжал бошлаши ҳеч гап эмас. Шунданми, кўчадаги ёшларнинг хатти-ҳаракатларига кўпчилик бепарво қарашади.

— Яхши кўрган қизинг билан келгандирсан? — сўрадик суҳбатдошимиздан.

— Эй-й, бу ерга олиб келиб бўладими?

— Ўзинг-чи?

— Мен ўғил боламан!

— Залда қиз болалар кўп экан.

— Буларми, кўчанинг қизлари-ю...

Биз ёшлар тарбиясига жавобгар аввало ота-она, қолаверса, мактабдаги устозлари, деймиз. Лекин, фарзандни уйга, мактабга қамаб онгли, баркамол қилиб тарбиялаб бўлармикан?

Менимча ёшларнинг бўш вақтларини турли тўгараклар, иаданий-маърифий машғулотларга жалб этиш керак.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтаётган "Энг яхши китобхон" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Кўрик-танлов Жиззах Педагогика институти қошидаги "Сайлжой" академик лицейида бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятимиздаги 22 та ўқув юртлари талабалари қатнашишди. Қизғин баҳсларга бой бўлган кўрик-танловда Жиззах Тиббиёт касб-ҳунар коллежининг талабаси Шаҳноза Мўминова 130 балл тўплаб, 1-ўринни эгаллади.

Жиззах Педагогика коллежи талабаси Фарида Бекбўтаева ва Жиззах Енгил-саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Ҳулкар Бобобековалар 2-ўрин, Зарбдор туман касб-ҳунар коллежи талабаси Санжар Сафоев ҳамда Жиззах Политехника институти қошидаги академик лицей талабаси Феруза Ибрагимовалар 3-ўрин соҳиблари бўлишди.

Фазлиддин ҚЎЛДОШЕВ





Пойтахтнинг «ЖАР» спорт мажмуида каратэ бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Республикамизнинг барча вилоятларидан мингга яқин ёш каратэчилар иштирок этди. Қизиқарли ўтган ушбу мусобақа, нафақат ғолибларни аниқлади, балки, бўлажак халқаро турнирларга иқтидорли спортчиларини танлаш имконини ҳам берди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

БМТ ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙДИ

БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасида 8 — Март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган БМТ агентликлари, республика хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёллар" уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

- Халқаро аёллар ҳаракати XIX - асрда БМТ ташкил этилмасдан олдин вужудга келган, - деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой "Туркистон-пресс" мухбирига. - 1857 йили 8 март куни АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида аёллар намойиши бўлади. Бунинг сабаби меҳнат ҳақининг пастлиги, турли муассаса ва ташкилотларда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилаётганлигида эди. Икки йилдан сўнг ҳар бир ташкилотда аёллар ҳуқуқларини жорий этиш учун аёллар касаба уюшмаси ташкил этила бошлади. 1977 йил БМТ Бош ассамблеяси томонидан резолюция ишлаб чиқилиб, унга кўра 8 март куни халқаро хотин-қизлар куни этиб белгиланди. Лекин бу мазкур сана барча давлатларда нишонланиши шарт, деган маънони билдирмайди. Резолюцияда хотин-қизлар кунини нишонлаш мамлакатлар ўзларини келиб чиқиш тарихи, миллий урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда йилнинг исталган бир кунига кўчиришлари мумкинлиги таъкидланган.

Шунингдек, анжуманда ўтган аср мобайнида барча давлатларда аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги фаолияти жонланганлиги эътироф этилди.

«Туркистон-пресс»

YOSHLAR VA MA'NAVIYAT

Меросимиздан фахрланиш, ғурурланиш лозим

ФИДО ЙИЛИК ФАЗИЛАТИ

Юртимизда бошланган янгиланиш ёшларнинг қалбида ўтмиш маданий меросимиздан, улуғ аждодларимиз ақл-заковатидан фахрланиш тарихий, маданий-маънавий қадриятларимизни ардоқлаш туйғуларини шакллантирди.

Шу туфайли миллий маънавиятимиз ва маданий меросимизга холисона муносабатда бўла бошладик. Халқимиз уларнинг мазмунини ўтмишда қандай бўлса шундайлигича ўрганишга киришиб, уларга янгича тафаккур асосида ёндошиб идрок қилишга, улардан ўз ўрнида фойдаланишга ўтмоқда. Дарҳақиқат, ўтмишни билмай туриб, ҳозирги замоннинг чинакам маъноси ва келажакнинг мақсадларини тушуниш мумкин эмас.

Бугунги кунда халқимиз маълум маънода ўтмиш маданий меросимизга, миллий қадриятларимизга суяниб янги жамият қураётган экан, бундай жамиятни бунёд этиш мафкурасиз, муайян ғояларсиз мумкин эмас. Инсон эътиқодсиз яшай олмаганидек, жамиятнинг ҳам маълум мафкурасиз тараққий этиши қийин.

Аждодларимизнинг тафаккур сарчашмалари миллий маданиятимизни равнақ топтиришда, халқимизнинг маънавий қиёфасини янада бойитишда, уларни юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашда ва сиёсий қарашларни шакллантиришда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Ўтмиш маданий меросимизга мафкура тизими асосида муносабатда бўлиш, бир томондан Ўзбекистон халқларининг инсоният маданияти хазинасига қўшган муносиб ҳиссаларини аниқлаш ва бу бойликларнинг чинакам баҳосини беришни, иккинчи томондан эса маданий меросимизнинг халқ манфаатлари учун хизмат қилувчи, жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётини таъминловчи энг ижобий намуналаридан миллий истиқлол йўлида кенг фойдаланишни англатади.

Миллий истиқлол туфайли кўп қиррали бой миллий маданий меросимиз тикланмоқда. Маданий-маънавий мерос авлод-аждодларимиздан қолган буюк хазинадир. Маданий меросга ҳурмат бу, биринчи навбатда, халқга, унинг ўтмишига чексиз ҳурмат, меҳр-оқибатдир. Ўтмиш маданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам ўз илдизини, авлод-аждодлари босиб ўтган йўлни билмайди ва билолмайди. Ўз имкониятини бойитиб, юксак даражада кўтаришга интилмаслик миллат ва унинг истиқлоли учун катта фожеадир.

Маданий меросимизнинг тикланиб, халқимиз учун хизмат қилаётганлиги энг катта ютуқларимиздандир. Эндиликда ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилганликлари учун миллатчиликда айбланиб қатағон қилинган фанимиз ва маданиятимизнинг бир қанча таниқли арбоблари тўла оқланди. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари адибларимизнинг ижодий меросларини ҳозирги пайтда халқимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганиляпти. Уларнинг асарлари одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоий адолат учун курашга, ноҳақликка нисбатан муросасизликка, миллий истиқлолимиз, эркимиз ва озодлигимиз учун дадил кураш олиб боришга даъват этади.

Мустақиллик яратиб бераётган беқиёс имкониятлар, Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги бўлмаганида қисқа муддат ичида халқимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги ноёб тарихий-маданий ёдгорликлари таъмирланмаган бўларди. Ўзбек халқининг энг буюк алломалари яратган, лекин ҳозирда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кутубхоналарида, музейларида сақланаётган нодир қўлёзмаларни излаб топиш, ўрганиш ва оммалаштириш борасида бу қадар хайрли ишлар қилинмаган бўлар эди.

Ўтмиш меросимиздан фахрланишимиз, ғурурланишимиз, унга суянишимиз лозим. Зеро, истиқлолимиз мафкураси халқимизнинг миллий ғурурига ҳам асосланади.Миллий ғурур эса халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари, мамлакатимиз имкониятлари ва истиқболларини билиш ва қадрлаш, фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилиш, шунингдек бошқа халқлар ва миллатларнинг ҳам миллий қадриятлари, удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатини ҳурмат қилиш ва ардоқлай олиш фазилатидир. Миллий ғурур — Ватанга бўлган садоқат, меҳр-муҳаббат, бир сўз билан айтганда, ватанпарварликда яққол намоён бўлади. Ғурур балқиб турган киши учун дунёда ўз Ватанидан, ватандошларидан азиз, мўътабар қудратнинг ўзи бўлмайди.

Миллий ғурур инсонни ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган қишлоқ ёки шаҳар, ота-боболари, аждод ва авлодларининг масканини улуғлашда, эъзозлашда, юртининг ўтмиши, бугуни, келажаги билан фахрланишда ўз аксини топади.

Инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт тажрибасидан маълумки, қайси жамият аъзолари ўз маданий маънавий меросини қадрласа, ўзида мавжуд бўлган барча моддий ва маънавий имкониятларини оддий фуқароларни ардоқлашга сафарбар этса, ўша жамиятда тотувлик, маънавий, маданий, иқтисодий барқарорлик ҳукм сурган. Аксинча, кишилар маънавиятини, маданиятини унутган жамиятда, ҳар томонлама қашшоқлик рўй берган. Худди шунинг учун ҳам маданий меросимизнинг ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит-қизларда миллий ғурур туйғусининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Миллий мафкура — бу аввалгидек юқоридан юборилган ва зўрлаб ўтказиладиган тушунча эмас. Аксинча, у биздан, халқимиздан, жамиятимиздан ўсиб чиқади. Чунки, бу ғоя халқимизнинг ғурури, ор-номуси, Ватанга бўлган муҳаббатини акс эттирадиган ғоядир. У халқимизнинг неча минг йиллар шаклланган илдизларидан кўкарган дарахт. Бу муаззам дарахт бугун мева бериши, келажакда эса яна ҳам гуркираб яшнаши лозим.

Тоҳир ҚУРБОНОВ,
Қарши Давлат университети ўқитувчиси

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЕЖАЛСА...

Ҳаётимиз янада фаровонлашади

Эътибор қилганмисиз? Баъзида, оқшом чўккан пайт электр токи узилиб қолса, бирдан ҳаловат бузилади. Қувноқ кайфият ўрнини хомушлик эгаллайди. Тузилган режалар барбод бўлиб, то чироқ қайтиб ёнгунча бирмунча йўлимизни йўқотиб қўямиз.

Нега? Сабаби, бугун ҳаётимизни электрсиз тасаввур қилаолмаймиз. Ҳар бир ишимиз электрга боғлиқ, шу орқали амалга ошади.

Аммо бунинг ортида қанчалик миқдорда табиий бойликлар сарф бўлаётгани ҳамда минглаб кишиларнинг фидокорона меҳнати ётганини ҳамиша ҳам кўз олдимизга келтиравермаймиз.

Ёки электр ҳақини ҳар доим ҳам ўз вақтида тўлаймизми? Албатта, бунга ҳамма ҳам бирдек, аниқ жавоб қайтаролмайди. Назаримда, ўзини ҳурмат қилган киши сарфланган ҳар бир киловатт электрнинг ҳақини ҳамда Давлат Солиғини ўз вақтида тўланишини инсоний бурчи ҳисоблайди.

Яна бир гап. Истиқлол, бошқа соҳаларда бўлгани каби, энергетика тизимининг ҳам имкониятларини кенгайтирди. Мамлакатимиз раҳбарининг эътибори билан, энергетика қурилмалари замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирилиб, аҳолига хизмат сифати ошди. Соҳа ходимлари бир талай ишларни амалга оширдики, ёзиб адоғига етиш мушкул. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу мақола эса, улар фаолиятидан бир шингил, холос.

БИР КУНЛИК ИСТЕЪМОЛ ЎН МИЛЛИОН БЕШ ЮЗ МИНГ КИЛОВАТТДАН ОРТИҚ

Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакат энергетика тизими ўзининг тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтди. Дастлаб кичик қувватли дизель ва гидравлик электр станцияларидан фойдаланилган бўлса, бугунги кунга келиб Республика энергетика тизими катта бир тармоққа айланди. Андижон вилоят электр тармоқлари республикамиз энергетика тизимининг йирик корхоналаридан биридир. Вилоятда 120 дан ортиқ юқори кучланишли подстанциялар, 14 минг км.дан зиёд электр узатиш линиялари, 5 мингга яқин трансформатор пунктлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида 800 дан ортиқ насос станциялари, 500 дан зиёд чорвачилик фермалари, саноат, коммунал-маиший объектлар, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари ва вилоят аҳолиси электр энергияси билан таъминланмоқда.

Ўтган йили Андижон электр тармоқлари корхонаси негизида электр энергиясини узатиш билан шуғулланувчи Андижон магистрал электр тармоқлари ва электр энергияни тақсимлаш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи Андижон вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси ташкил этилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Бир корхона негизида икки корхона ташкил этилишининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Электр энергиясини узатиш билан Андижон магистрал электр тармоқлари корхонаси шуғулланар экан, бу корхона вилоят миқёсида фақат электр энергиясини узатишгагина масъул бўлади. Андижон вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси эса узатилган электр энергиясини туманлар бўйича тақсимлаш, назорат қилиш ва сотишга жавоб беради. Ҳар иккала корхонанинг ишида ҳам мураккабликлар талайгина. Айниқса, электр энергиясини тақсимлаш ва белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигини таъминлаш энг мушкул масала. Вилоят магистрал электр тармоқлари тезкор бошқарув хизматининг асосий вазифаси электр энергиясини вилоят халқ хўжалиги истеъмолчилари ва аҳолига узлуксиз, сифатли етказиб беришдан иборат.

—Аҳолига ва истеъмолчиларга етказилаётган электр энергияси тақсимотини 24 соат мобайнида назорат қилиш жуда қийин, — дейди оператив бошқарув хизмати бошлиғи Шаробиддин Солиев.— Вилоятимиз учун белгиланган ойлик электр энергия истеъмол режаси 290 миллион киловаттни, бундан кунлик электр энергия истеъмол режаси эса 10 миллион 300 минг киловаттни ташкил этади. Лекин ҳозирги кунда истеъмол 10 миллион 500 минг киловоттдан ҳам ортиб кетяпти. Таъкидлаш жоизки, бу вақти-вақти билан баъзи ҳудудларда электр энергиясини ўчириш эвазига. Агар бундай қилмасак, республика энергетика тизимидаги тақсимот тартиби бузилишига ва каттароқ муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин.

Шаробиддин Солиевнинг айтганича бор. Албатта, хонадонларимиздаги рухсат этилмаган иситиш воситаларидан фойдаланиш чекланса, чироқларимиз беҳудага ёниб ётишига йўл қўймасак, режадагидан анча кам электр энергияси сарф этилган бўларди.

Оператив бошқарув хизматидаги иш тартиби хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, алоқа тизимида мукаммалликни кўришимиз мумкин. Ҳар бир туман электр тармоқлари оператив бошқарув бўлими ва навбатчилик ташкил этилган йирик станциялар билан мунатазам алоқа ўрнатилган. Чунки ҳар бир тумандаги электр энергияси истеъмоли миқдори узлуксиз аниқлаб борилади. Уларнинг қандай ишлаётганидан хабардор бўлиб турилади. Агар трансформаторда кучланиш юқори бўлса, унинг юки бошқа трансформаторларга юкланиб, кучланиш камайтирилади.

ТРАНСФОРМАТОР: КЕЙИНГИ МАВСУМГА ЯРАЙДИМИ, ЙЎҚМИ?

Ҳаётимизда ҳамма нарсага эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки аҳоли сонининг ортиб бориши ва тараққиёт эҳтиёжни оширади. Шу жумладан электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Мисол учун бугунги кунга келиб Андижон вилоятида етказиб берилаётган электр қувватининг 2 миллиард 200 миллион сўмликдан ортиқроғи вилоят аҳолиси эҳтиёжлари учун узатилмоқда. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бораверади. Электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бориши вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси зиммасига ғоят масъулиятли ва оғир вазифаларни юклайди. Корхона ажралиб чиққанидан кейин биринчи қиш мавсумини ўтказди. Ҳеч иккиланмай, янги корхона учун қиш оғир келди, деб айтиш мумкин. Магистрал электр тармоқлари раҳбари Аҳмаджон Қодиров билан корхонанинг бу йилги қиш мавсумидаги фаолияти ва келгусида режалаштирилаётган ишлари хусусида суҳбатлашдик. У аввало, 2001-2002 йил қиш мавсуми оғир келгани корхона вилоят электр тармоқлари корхонаси таркибидан янги ажралиб чиққани учун бироз қийинчиликларга дуч келингани хусусида тўхталди.

— Бу йилги қиш мавсуми биз учун синов йили бўлди десам хато қилмайман. Чунки шу мавсумни таҳлил қилиб, келажакдаги ишларимизни белгилаб олдик. Қишда истеъмол ортган пайтларда электр жиҳозлари трансформаторларидаги кучланиш қандай бўлса, у кейинги мавсумга ярайдими? Буларни аниқлаб, шу асосида иш ташкил этмоқдамиз. Агар баъзи трансформаторлар кейинги мавсумга чидам беришига ишонмасак, уларни ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда, янгиларига ёки катта қувватлиларига алмаштириш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Бундан ташқари, электр энергиясини узатишда тармоқларда бўладиган йўқотишларни камайтириш, минимал даражага келтириш чора-тадбирлари электр тармоқлари шўъба корхонаси билан келишилган ҳолда амалга оширилаётир.

Шу йилги режаларимиз қаторида ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳаво электр тармоқларини янги линияларга имконият даражасида алмаштириш, 220-110-10 киловолтли "Фозилмон" станциясидаги иккинчи трансформаторнинг қувватини 63 минг кВАга ошириш ишларини якунлаш вазифалари ҳам бор. Станцияларни сув тошқини ва бошқа табиий офатлардан муҳофазалашга ҳам катта эътибор беришимиз лозим. Чунки бундай офатлар натижасида подстанцияларнинг зарарланиши аянчли ҳолатлар юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Избоскан тумани Тентаксой қирғоғида жойлашган подстанция сув тошқини ювиб кетиши мумкин бўлган ҳудудда жойлашган. Шунинг учун ҳам уни бошқа жойга кўчиряпмиз. Айни кунгача бир қисмини кўчириб улгурдик.

Вилоят электр тармоқлари тизимида ўтган йили ҳам кўпгина ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Мисол учун, 3 минг 500 кмдан ортиқ ҳаво линиялари дарахтдан тозаланди. 1 минг 368 км. ҳаво линияси, 57 та станция, 347 та трансформатор пунктлари қайта таъмирланди. Бошқача қилиб айтганда, электр тармоқларини таъмирлаш учун 576 миллион 600 минг сўм сарфланди.

Республика энергетика тизимида ҳар бир ГЭС, ҳар бир ГРЭСнинг, шу жумладан Андижонда жойлашган Шаҳрихон ГЭС тизимларининг ҳам ўз ўрни бор. Шаҳрихон ГЭС тизимлари таркибида Жанубий Фарғона каналига ва Шаҳрихон сойига қурилган 4 та ГЭС мавжуд.

79 нафар муҳандис-техник ва ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган Шаҳрихон ГЭС тизимларининг умумий актив қуввати 27,88 меговаттни ташкил қилади. 2001 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш 59 миллион 106 минг киловатт-соатга етди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси Ўзбекистон Республикаси энерготармоғига Фарғона бўлими орқали узатилади.

Шаҳрихон ГЭС тизими ГЭСларида 6 та агрегат бўлиб, улар агрегатларни таъмирлаш кўп йиллик режаси бўйича капитал таъмирдан чиқарилади. 2001 йилда 5А ГЭС агрегатини таъмирдан чиқарилган бўлса, бу йил ЖФК-1 ГЭС агрегатини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

ГЭС тизимининг қувватини ошириш мақсадида ўтган йили ЖФК-2 ГЭС сув ҳавзаларини таъмирлаш ишларига 4 миллион 654 минг сўм, 5А ГЭС бош тўғони сув иншоотлари учун 16 миллион 470 минг сўм сарфланди.

Шаҳрихон ГЭС тизимларида жорий таъмирлаш ишлари ва ишлаб чиқариш жараёнида тартибли иш йўлга қўйилгани сабабли доимо йиллик режа бажариб келинмоқда. Бу йил электр энергия ишлаб чиқаришни 6 миллион киловатт-соатдан ошириш режалаштирилган.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси раҳбари Шавкат Рустамов бизга вилоятдаги энг йирик "Лочин" станцияси билан танишишни таклиф қилди. "Лочин"га етар эканмиз, йўл четидаги йирик бир подстанция таъмирланаётганига кўзимиз тушди. 35 киловолтли Ниёз Ботир станциясини таъмирлаётган 17 кишидан иборат бригада раҳбари ёш уста Илёсбек Абдусаидов экан.

— Биз ҳозир жорий таъмирлаш ишларини олиб боряпмиз. Атрофда дала ишлари, суғориш ишлари бошлангани боис, техник хавфсизлик жиҳатидан таъмирлашимиз лозим, — дейди Илёсбек.

— Бригадамиз 110-35 киловолтли 23 та станцияга хизмат қилади. Бу йилги қиш мавсуми биз учун жуда оғир келди. Аҳолининг электр энергиясидан фойдаланиши ниҳоят даражада ортиб кетгани боис, трансформаторлар куйиши кўпайиб кетди. Бу эса бир қанча муаммолар юзага келишига сабаб бўлди. Шундай бўлса ҳам, қишки мавсумдан чиқдик. Бу ёғи бир маромда кетаверади.

Йўлимизда давом этиб, "Лочин" станциясига етиб келдик. 500 киловолт кучланишга эга бўлган бу станция Фарғона водийсидаги энг йирик станциялардан бири ҳисобланади. Унинг вазифаси электр энергияни қабул қилиб, паст кучланишга айланириб узатишдан иборат. Станция ҳудудида 1,5 гектарлик боғ ҳам бор. Атрофдаги бўш ерлар ишчиларга шартнома асосида бўлиб берилган. Унда ишлаётган 45 нафар ходимнинг асосий вазифаси электр қурилмаларини узлуксиз жорий таъмирлаш, бу ерда ишлаб турган трансформаторларнинг мунтазам ишлаб туришини таъминлашдан иборат. Биз кўп йиллардан буён ишлаб, ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиб келаётган Муҳаммаджон Умрзоқов ва Жўравой ота Қўчқоровлар ҳамроҳлигида станция фаолияти билан танишиб чиқдик.

— Илгари бир маромда ишлардик. Сўнгги 1-2 йилда, айниқса, шу йил электр энергиясига талаб ниҳоятда ошиб кетганини сезяпман. Вилоятларнинг электр энергияси сарфи ҳар йилгидан юқорироқ даражага кўтарилди, — деди тажрибали Жўравой ота.

Юқорида трансформаторларнинг кўплаб ишдан чиқаётгани ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Бу трансформаторларни таъмирлаш қандай кечаётгани ва жараённинг мураккабликлари билан танишиш мақсадида таъмирлаш устахонасида ҳам бўлдик. Устахона бошлиғи Дилшодбек Исмоилов цехларни кўрсатар экан, бу ерда иш ниҳоят даражада кўп эканига амин бўлдик. Устахонанинг асосий вазифаси 6-10 киловолтли трансформаторларни таъмирлаш, ундан ташқари кабель ролиги, қушларга қарши ҳимоя тўсиғи қилиш ва ишлаб чиққан трансформатор мойларини қайта ишлашдан иборат.

— Қиш мавсумида икки сменада иш ташкил қилиниб, жойлардаги носоз трансформаторларни зудлик билан таъмирлаш йўлга қўйилди, — дейди устахона бошлиғи Дилшодбек Исмоилов. Таъмирлаш жараёнида трансформатор чулғамлари электр изоляцион қоғоз билан изоляция қилинади. Трансформаторлар тез-тез бузилиб турган бир пайтда нархи жуда юқори бўлган изоляцион қоғозни етказиб бўлмайди.

Излаган имкон топади, деганидай устахона бошлиғи Дилшодбек Исмоилов оддий калава ипдан чулғамларни изоляция қилишни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда 70 фоиз чулғамлар калава ип орқали изоляция қилинмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, чулғамлар калава ип билан изоляция қилинганда электр изоляцион қоғоздан фойдаланилганидан анча арзон тушади. Масалан, 100 киловолтли трансформаторларнинг битта чулғамини тайёрлаш учун 3 кг электр изоляцион қоғоз ишлатилгани ҳолда худди шу иш учун 2,5 кг. калава ип сарфланади. Эътибор беринг, 1 кг. изоляцион қоғознинг нархи 10 минг сўм, калава ипники эса 950 сўм. Кўриниб турибдики, устахонанинг изланувчан раҳбари яратган бу усул корхона учун анча арзон тушяпти.

Бундан ташқари, устахонага келтирилган ҳар бир трансформаторни ишдан чиқиш сабаблари пухта таҳлил қилиниб, бундай носозлик қайта такрорланмаслиги учун туман электр тармоқлари мутахассисларига кўрсатмалар берилади.

Вилоят электр тармоқлари шўъба корхонасида ҳам, вилоят магистрал электр тармоқларида ҳам касаба уюшма қўмитасининг фаолияти яхши йўлга қўйилган. Вилоят электр тармоқлари шўъба корхонасида 2186 та, магистрал электр тармоқларида эса 604 та ходим ишлайди ва уларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинади. Вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Араббой Маннопов тўй ва бошқа маросимларда ходимларга етарлича имтиёзлар яратиб берилаётгани, моддий жиҳатдан, транспорт томонидан алоҳида ёрдам берилаётганини таъкидлади.

"Энергетик" болалар оромгоҳида 2001 йил мавсумида ишчи-ходимларнинг 725 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Ишчи-ходимларнинг турли олий ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларининг ўқишлари учун 1,5 миллион сўм ўтказиб берилди. 34 нафар ходим Бухоро-Самарқанд йўналиши бўйича саёҳатга юборилди.

— Корхонамизда ишчи-ходимларни соғломлаштириш, оилавий шароитларини яхшилаш, иш жойларида қулайлик яратиш бўйича бир қатор ишларни олиб боряпмиз, — дейди Андижон магистрал электр тармоқлари касаба уюшма қўмитаси раиси Саҳобиддин Умрзоқов. — Ишчиларимиз дала жойларда ишлаган пайтларида тушлик билан таъминланмоқда. Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси томонидан уюштирилган Республика мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаяпмиз. Санатория, курортларда даволаниш учун фахрийларимизга бепул йўлланмалар берамиз. Ўтган йили иккала корхона бўйича 174 кишига 1 миллион 738 минг сўмлик дам олиш йўлланмалари берилди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш, уни аҳоли эҳтиёжлари учун етказишгача бўлган жараён ва сизу бизнинг электр энергиясидан пала-партишлик билан фойдаланишимиз натижасида соҳа ходимлари олдига қўяётган муаммоларимиз, мураккабликларни ўзимиз юзага келтираётганимиздан оз бўлса-да хабар топдингиз.

Биз ўзимиз фойдаланаётган электр энергиясининг ҳар бир киловаттига пул тўлаяпмиз. Пулини тўлаяпман, деб хоҳлаганча ишлатмаслигимиз, бошқача қилиб айтганда, керагидан ортиқча фойдаланмаслигимиз лозим. Мамлакатимиз равнақ топиб борар экан, йирик қўшма корхоналар, завод-фабрикалар ва шаҳарларимизни чароғон этиб туриш учун албатта, электр энергияси керак.

Республикамиздаги 4 миллион хонадондан ҳар бири 1 соат мобайнида биттадан 100 ваттли чироқни тежаса, бир кунда 390 минг киловатт электр энергия, бошқача қилиб айтганда, 390 тонна кўмир ёки 120 тонна қора мой (мазут) иқтисод қилинади.

Бугун биз тараққиёт замонида яшаяпмиз. Барча юкимизни электр энергияси орқали енгиллаштирадиган бўлиб қолдик. Электр токидан тежамкорлик билан фойдаланса бу мамлакат энергетика тизими мустақиллигига ўз ҳиссамизни қўшганимиздир. Шу билан бир қаторда ўз миллий бойликларимизни асраш, уларга оқилона муносабатда бўлиш барчамизнинг бурчимиз саналади.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбирлари

*** Ҳар бир хонадонда 1 соат мобайнида биттадан 100 волтли чироқ тежалса, 390 тонна кўмир ёки 120 тонна қора мой (мазут)ни иқтисод қилиш дегани.**

*** Ишбилармон, устахона бошлиғи Дилшодбек Исмоиловнинг топган имкони.**







Электр энергиясини нега тежамаймиз? Бугун республикамиз ишлаб чиқариш корхоналарининг электр энергиясини сарф қилиш даражаси илғор Ғарб мамлакатларидаги кўрсаткичдан уч баравар ортиқ.

Ислом КАРИМОВ.





«КАМОЛОТ» ФАОЛЛАРИ

СЕВИМЛИ МАСКАНГА АЙЛАНМОҚДА

Ҳаракатнинг Урганч шаҳар Кенгаши ҳам ўтган давр ичида ёшлар ишончини қозонолди деб айтиш мумкин. Ҳар куни маслаҳат ва амалий кўмак олиш илинжида ишхонамиздан ёшлар аримайди. Айниқса, ёш истеъдодлар учун "Камолот" биноси севимли масканга айланган. Чунончи, "Илм" ва "Ҳуқуқ" марказларининг ташкил этилиб, кенг йўналишда иш олиб бораётгани ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, "Ҳуқуқ" марказимиз ёшлар муаммоларининг қонуний ҳал этилишига амалий кўмак беради. Мерос, уй-жой можаролари каби масалаларнинг ижобий ҳал қилинишида мазкур марказнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

"Илм" марказимизнинг фаолият йўналиши жуда кенг. Ўқув даргоҳларидаги "Конституцияни ўрганиш", "Ўлкашунослар", "ЭҲМ сирлари" каби тўгаракларнинг фаолиятини мунтазам йўлга қўйиш ҳам бош вазифамиз ҳисобланади. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларига бепул компьютер сирларини ўргатиш, Конституция борасида сабоқлар беришга алоҳида диққат-эътибор қаратаяпмиз.

Менимча, спортни ҳам, илм-маърифат дея атаган бўлур эдим. Чунки спорт жисмоний зийракликка, комиллик-ка етаклайди. Шундай экан, "Илм" марказимизнинг бир йўналиши жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ. Ёшларни соғлом ва баркамол инсон сифатида ўсиб-улғайиши учун мактабларо, маҳаллаларо спорт мусобақалари тез-тез ўтказиляпти.

Маҳалла ва мактабларда ёшлар ташаббус билан чиқишаяпти. Уларнинг ўзлари гуруҳлар тузишиб, мусобақаларга тайёргарлик кўришади. Шаҳримиздаги 23-маҳалла болаларидан иборат "Кўҳна қалъа" футбол командасининг ташкил қилиниши фикримга мисол бўла олади. Бу ёш футболчилар гуруҳи Турсунбой Худойберганов деган 13 яшар ўсмирнинг ташаббуси билан тузилган бўлиб, талай муваффақиятларга эришиб келмоқда. Биринчи навбатда бажарадиган ишимиз ёш авлодни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват қилишдир. Шуни яхши ҳис қилган ҳолда ўқув масканларидан ташқари меҳнат жамоаларида ҳам "Огоҳлик — муқаддас бурч", "Биз терроррга қаршимиз", "Мен соғлом турмуш тарзини танлайман" каби тадбирларни доимий равишда ўтказиб келмоқдамиз.

Икки оғиз "Камолот"чиларнинг савоб ишлари хусусида. Очиғи, Ҳаракатнинг Урганч шаҳар Кенгашига кам таъминланган оила фарзандлари кўпроқ мадад истаб келишади. Биз уларга алоҳида эътибор қаратамиз. Саховатпеша инсонларни жалб этиб, уларга амалий ёрдам берамиз. Яқинда 11-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Умида Мадаминовага юз минг сўмлик "Жинлипу" телевизорини ҳадя қилдик. Жавлонбек Наврўзов деган ўқувчини йил давомида кийим-бош билан таъминлашни ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Саховатпеша ҳомийларни излаб топишдан сира эринмаймиз. Буларни шунчаки мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Демоқчиманки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимларига нисбатан халқнинг ишончи сезиларли даражада ошмоқда. Буни уларнинг ташкилотни чинакам таянч билиб, мурожаат қилаётганидан ҳам билса бўлади.

Анварбек СОТИМОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳар Кенгаши раиси

ҚУДРАТЛИ КУЧ – КИТОБЛАРДИР

Халқимизнинг маънавий мероси китобларнинг ёшларимизни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни беқиёс ортиб бормоқда.

Юртимизда ҳаётга қадам қўяётган ёшларимиз ўзларининг онгини янги ижтимоий-эстетик босқичга кўтариш учун самарали интилмоқдалар. Зеро, билим-хазина, китоб унинг калити деганларидек зиёлиларимиз ўсиб, камол топаётган ёш авлод ўз нутқида маъно нозикликларини кўпроқ қўллашлари учун китоб ўқиб, мутолаа қилиши лозим. Каттақўрғон педагогика коллежининг "бошланғич синф ўқитувчиси" бўлимида таҳсил олаётган Гавҳар Туропова 2002 йилда ўтказилган "Энг яхши китобхон" танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Гавҳархонни таъбири билан айтганда, китоб ёшларимизни миллий ўзлигини англашида пойдевор ҳисобланади. Дарвоқе, Улуғбекнинг хазинаси юлдузлар туркуми бўлганидек, ёшларимиз онгини шакллантирувчи қудратли кучи китоблардадир.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ!

Закрытое акционерное общество — Торгово-оптовый комплекс "Карвон бозори" извещает Вас о проведении годового общего собрания акционеров по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2001 год, которое состоится 23 марта 2002 года в 15.00 часов в зале совещаний ТОК "Карвон бозори" по адресу: г.Ташкент, Акмал Икрамовский район, массив Урикзор, квартал Стройгород.

Регистрация акционеров будет проводиться с 14.00 часов.

До проведения годового общего собрания акционеров Вы сможете ознакомиться с материалами об итогах финансово-хозяйственной деятельности ЗАО ТОК "Карвон бозори" за 2001 год в наблюдательном Совете общества.

При регистрации участников собрания просим Вас иметь при себе паспорт или иное удостоверение личности. Представителям акционеров при себе иметь доверенность установленного образца.

«ОТЧОПАР» БУЮМ БОЗОРИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади. Волидаи муҳтарамаларимиз ва опа-сингилларимизга соғлик-саломатлик тилайди.

Сирдарё вилояти Ховос тумани "Навбаҳор" ширкат хўжалигидаги "Хурсаной" фермер хўжалиги аъзолари мамлакатимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлайди.

Аёлларига эътиборли юртнинг келажаги боқийдир.

«ҚОРАКЎЛДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

8 МАРТ

Азиз аёлларимизни кириб келаётган баҳор ва гўзаллик айёми - 8 март билан чин қалбдан табриклайди.

Мунис опа-сингилларимизга ҳамда мўътабар онахонларимизга умр боқийлик ва баҳорий кайфият ҳамроҳ бўлсин

Жаҳон ҳаётидан

СУҒУРТА БОЗОРИ

дунё тажрибасига назар

Суғурта тизимининг ўзига хос хусуситлари

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Европадаги ривожланган мамлакатлардан яна бири Италия ҳисобланади. Италияда суғурта ўрта асрларга бориб тақалади ва дунёда биринчи бор суғурта бўйича шартнома Италияда 1347 йилда имзоланганлиги ҳамда денгиз транспорт суғурта объекти сифатида илк маротаба тилга олингани билан изоҳланди.

Италияда 1751 йилда денгиз суғуртаси билан шуғулланадиган биринчи суғурта жамияти ташкил қилинди. 1752 йил ёнгиндан суғурталаш жамияти, 1826 йилда ҳаётни суғурталаш бўйича суғурта компанияси ташкил қилинади.

Италияда суғурта тизимининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, суғурта тизимидаги янгиликлар тезда ҳаётга, айниқса, суғурта тизимига жорий қилинмасдан консерватик йўл тутилган.

Италия суғурта тизимини бошқаришда давлат қаттиқ назорат ўрнатган бўлиб, бу тизимни бошқаришни қайтадан ташкил этишда давлат маълум регламентларни жорий этган. Айниқса, молия-кредит системасидаги суғурта компаниялари давлат раҳбарлигида фаолият олиб боради. 1984 йилга келиб Италияда 211 суғурта жамиятлари фаолият кўрсатган бўлса, улардан 6 таси қайта суғурталаш ишлари билан шуғулланган, 25 таси эса ҳаётни суғурталаш билан машғул бўлган, 27 таси ҳаёт ва мулкни суғурталашга ихтисослашган ҳолда 235та суғурта жамиятлари фақат мулкни суғурталаш операцияларини бажариб келмоқда.

Италиядаги айрим суғурта компаниялари мулк шакли бўйича хусусий акционерлик жамиятларидир.

Италиядаги йирик суғурта компанияларидан бири — "Ассикур акционидженерали" ("Assicurarioni Generali").

Бу компания универсал бўлиб, суғуртани ҳамма турлари билан шуғулланади, жумладан: мулкни суғурталаш, ҳаёт суғуртаси, қайта суғурталаш билан ҳам шуғулланади.

Бу компания Италия суғурта бозоридаги ҳаётни суғурталашни 12 фоизини, мулкни суғурталаш бозорининг 8 фоизини назорат қилади. Бу компаниянинг хорижий мамлакатларда қатор филиаллари фаолият кўрсатиб, суғурта бозорига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Европадаги суғурта бозорида фаол иштирок этаётган мамлакатлардан яна бири Швейцария ҳисобланади.

Ўртача ҳаёт кечирувчи оила, озиқ-овқатга қилинадиган харажатларга қараганда суғуртага кўпроқ харажат қилади.

Швейцариядаги суғурта компанияларининг асосий мижозлари ҳамма саноат, савдо, транспорт ва бошқа корхоналар ҳисобланади. Бу мамлакатда суғурта компанияларининг актив фаолияти капитал бозорига инвестиция чиқариш билан боғлиқ. Суғурта компанияларини активларини 50 фоизи ссуда шаклида инвестиция ва облигациялар шаклида жойлаштирилган.

Кичкина мамлакат бўлишига қарамасдан Швейцария суғурта компаниялари халқаро суғурта бозорида актив фаолият кўрсатиб, асосан қайта суғурталаш билан шуғулланмоқда. Хориждан тушадиган суғурта мукофотларининг ярми қайта суғурталаш соҳасига тўғри келмоқда.

Швейцария суғурта тизимига хос хусусият миллий ва хорижий капиталнинг аралашуви юз бериши ҳисобланади.

Японияда суғурта тизимини ўзига хос хусусиятларидан бири, айниқса, ҳаётни суғурталаш кучли таъсирга эга. Бу мамлакатда ҳаммаси бўлиб 23 та суғурта компанияси бўлиб, улардан учтаси хорижий мамлакат суғурта компаниялари ҳисобланади.

Аҳолининг кўп қисми суғурта компаниялари хизматидан фойдаланиб келади ва бу янада кучайиб бормоқда. Япония суғурта компаниялари кейинги йилларда АҚШ, Канада ва дунёнинг бошқа мамлакатлари суғурта бозорида катта фойдани қўлга киритиб олиб, суғурта тизими эса ривожланиб бормоқда. Гап шундаки, Японияда давлат суғурта компаниялари фаолиятини қаттиқ назорат қилади ва уларни маълум қоидаларга риоя этишга ўргатиб қўйганлиги билан изоҳланади.

Дунёда ҳозирда 120 та йирик транснационал компаниялар суғурта соҳасида актив фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 80 таси тўғридан-тўғри суғурталаш бўйича, 20 таси брокерлик, 10 таси қайта суғурталаш билан ҳамда "Ллойд" ва 5 та суғурта биржалари мавжуддир. Фойданинг манбаи инвестиция операциялари бўлиб,ссуда шаклида капитал қўйиш ривожланди.

Муҳаммадали ЭШНАЗАРОВ,
Ҳабибулла БОЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчилари

ЯҚИН ШАРҚ

Кун давомида тўрт марта террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Дастлаб Исроил шимолидаги Афула шаҳрида автобус портлатилган. Гувоҳларнинг айтишича, автобусга бир шубҳали шахс чиқиб, ўзини портлатиб юборган. Натижада бир исроиллик ҳалок бўлиб, 18 нафари ярадор бўлган.



Кейинги террорчилик ҳаракати Фаластин ҳудудида содир бўлган. Йўлда кетаётган енгил машина олдидан қуролланган кишилар чиқиб, уни ўққа тутганлар. Машинада кетаётган исроиллик эрхотин ҳалок бўлган. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган журналист ҳам ярадор бўлган. Тел-Авивдаги террор эса булар ичида энг йириги бўлди. Эктремистик гуруҳ вакили шаҳар марказида жойлашган ресторанга қарата автоматдан ўқ отган. Натижада 3 киши ҳалок бўлиб, 30 дан зиёд киши ярадор бўлган. Фаластиндаги бир мактаб, кейин Ғазо секторидаги қочоқлар лагери портлатилди. Буларни "Ҳикмат ҳа-Олалим" ташкилоти амалга оширганини тан олди.

ШВЕЙЦАРИЯ



Женевада ҳар йили бир марта бўладиган автомобиллар кўргазмаси очилди. Бу кўргазмага дунёнинг йирик компаниялари ўзларининг энг охирги автомобиль моделларини қўйганлар. Бу сафар улар кўпроқ харидорларни ўзига жалб қилиши шубҳасиздир. Чунки бу автомобилларни яратишда харидорлар диди ва талаби ҳисобга олинган. Машина ҳайдаб туриб, Интернет орқали маълумот олишингиз ва жўнатишингиз, телефонда гаплашишингиз мумкин. Айниқса, кўргазмага қўйилган масофадан туриб бошқариладиган ғайриоддий «Кабриолет» кўпроқ шов-шувга сабаб бўлди.

РОССИЯ

Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари Алексей Гордеев 10 мартдан бошлаб товуқ гўшти АҚШдан импорт қилиниши тўхтатилади, деб маълум қилди.

Бунга сифат жиҳатидан Россия маҳсулоти АҚШникидан яхшироқ эканлиги, импорт қилинган товуқнинг 9 та йирик партиясида сальмонеллёз топилганлиги сабаб бўлди. Бунинг оқибатида АҚШ томони 500 млн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўриши мумкин.

АҚШ ҳукумати Россияга махсус комиссия юборишини маълум қилди.

АНГЛИЯ

Мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган Эксмус шаҳридан икки қутбни забт этган, тўрт марта ер юзини айланиб чиққан рус саёҳатчиси Фёдор Конюхов ўзининг 50 ёшга тўлганлиги муносабати билан яна саёҳатга отланяпти. Бу сафар у Атлантика океанини якка ўзи, эшкакли қайиқда сузиб ўтиб, рекорд ўрнатмоқчи. У 100 кун давомида 3000 миль масофани босиб ўтади. Космонавтларга ўхшаб, махсус бўтқа консентрати билан озиқланади, бундан ташқари у балиқ овлаб, тамадди қилишни ҳам режалаштирган. Қайиқда қуёш батареясида ишлайдиган, океан сувини чучук сувга айлантирадиган аппарат, телефон ўрнатилган.

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади

«Turkiston» Қаҳвахонаси

МИЛЛИЙЛИКДАН ЙИРОҚ ОДАМ МАҒЛУБДИР

Дунёни англаш билан биргаликда ўз илдизини асраб қолиш, бир сўз билан айтганда, ўзлигини йўқотмасликни ҳаётнинг моҳияти деб тушунган ёшларимиз бугунги кунда Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшаяптилар.

Журналистикамизда ҳам бемалол жаҳон талабларига жавоб бераоладиган, иккиучта хорижий тилни мукаммал ўзлаштириб, давр билан ҳамнафас қадам ташлаётган ёшлар сафи кенгайиб бораяпти.

"Ёшлар" телеканалида йўналиши ва қамрови жиҳатидан юқори нуфузга эга кўрсатувлар сирасига кирувчи "Давр-интервью" бошловчиси Юлдуз Очилова кўпчилик тенгдошларимизга яхши таниш. Юлдуз қисқа вақт ичида тележурналистикамизда суҳбат жанрида ўзига хос йўл ва услубга эга эканлигини кўрсата билди. Экранда залворли фикрлар, янги мавзулар билан томошабин диққатини тортиб келаяпти. Хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ маданий-маънавий мавзуларда бўлсин, томошабин фикрига янгилик олиб кираётган журналист билан бўлган суҳбат, назаримда кўпчиликни қизиқтиради.

— Инсоннинг ҳаётта муносабатини англай билиш тележурналист учун муҳим йўналиш. Шундагина у инсон ва ҳаёт деган тушунчани англаб, ҳаётий, жонли кўрсатувни эфирга узатади. Шундай эмасми?

— Аввало тележурналист, ижодкорнинг ўзи ҳаётда фаол иштирок этиши керак. Ҳаётни китобий тамойиллар асосида эмас, ҳаётийлик даражасида талқин этиш лозим. Шундагина тележурналистнинг нима хусусида фикр билдираётгани ёрқинроқ тус олди.

— ЎзТВда ҳам янги жанр, тезкорлик белгиси — телесуҳбат ўзгача йўлда шаклланиб бораяпти. Мен "Давр-интервью"ни шундай тушунаман. Кўрсатувда ижодкорнинг қайси фазилати кўпроқ намоён бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Самимият. Дунё тележурналистикасида оммавийликни самимият ушлаб турибди.

— Газета-журналларда ҳам энг аввало қалам аҳли учун самимият, содда, равонлик жудаям зарур, менимча...

— Газета-журналлар бугунги кунда шу нуқтаи назардан қараганда ТВдан юқори туради, бироқ тезкорлик, техник имкониятлар ТВда баландроқ.

— Суҳбатдошни қандай танлайсиз?

— Кўрсатув йўналишидан келиб чиқиб, иккита талаб қўяман: биринчидан, суҳбатдошим ўз ишини яхши билиши, етук мутахассис бўлиши, иккинчидан эса ўзбек тилида равон ва тиниқ гапириши шарт. Шу икки жиҳатдан уйғунлик сезилса, суҳбат таъсирчан бўлади.

— Сизни ҳозирги ёшлар борасида қайси масалалар кўпроқ қийнаяпти?

— Менимча, бугунги тенгдошларимиз, ука-сингилларимиз орасида икки хил жараён сезилаяпти. Маълум тоифадаги ёшлар билимини кенгайтириб, дунёвий соҳаларни ўрганишга ҳаракат қилишаяпти. Бошқа бир тоифадаги сафдошларимиз эса фақат ўзига тааллуқли соҳа билан чекланиш, институтни тугатиш, фақат диплом олиш билан чекланиб қоляпти.

— Тараққиёт, замонавийликни англаш яхши. Қадим маънавиятимиз, улуғ тарихимизни ҳис этиб, тараққиётни қабул қилиш яна ҳам яхши.

— Ҳа, машҳур шоир Мухтор Шахановнинг "Адашган тараққиёт" деган шеърий романи бор. Унда миллийликдан йироқ киши дунё цивилизацияси томонидан мағлуб этилиши, ҳатто ўзини йўқотиб қўйишига ишора мавжуд. Цивилизацияни эгаллаган билан илдизимизни эҳтиёт қилишимиз, асрашимиз зарур. Шу юрт, шу замин, шу миллат бизники. Бизнинг чеҳрамиз бу! Мен доимо тарихий обидаларимиз қаршисида турарканман, қадим боболаримиз шу иморатларнинг ғиштини қўяётган ёки мангулик бўёғи билан сеҳрли нақшларни чизаётганда қандай ҳис-туйғуларни бошдан кечирдийкин, деб ўйлайман. Бобо Шарқнинг буюк ҳикмати билан дунёни уйғотган улуғ аждодларимиз бу юксак ҳикматнинг етук соҳиби эдилар.

— Ёшларнинг китобга дўст тутиниши, китобдан ёруғлик ахтаришлари бугуннинг муҳим маънавий эҳтиёжи эканлигига қандай қарайсиз?

— Ёшларнинг бадиий китобга ошно тутиниши, уларнинг тафаккурига зеб беради. Ҳатто ўғил-қизларимиз, фарзандларимиз ҳам, китобсевар бўлиши учун ҳар бир ота-она алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ота-она китоб ўқиса, жажжи болакайларнинг ҳам қўлидан китоб тушмайди-да. Китоб бола учун тафаккурни ишлатиш, фикрни ўстиришнинг энг муҳим манбаи. Тўғри, телевидение, кино, компьютер болалар учун қизиқарлидир, бироқ энг муҳим тарбия ва тафаккур сабоғи китобда.

— Яна мавзуга қайтсак: ТВда яна қандай муҳим жиҳат мавжуд бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Айрим хорижий телеканалларда ёвузлик, ур-тўполон ва ҳиссиз, шовинистик руҳ яққол сезилади. Инсонни тарбиялаш ўрнига бир бўлак нонни топиб ейиш учун бошқаларни босиб кетиш даражасида иш юритишга чорловчи баъзи бир телекўрсатувларда қандай ғоя илгари сурилаётгани маълум —ёвузлик. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон телевидениесининг асосий ғояси — миллат тарбияси, маърифат ҳамда Ватан мустақиллигини асрашга хизмат қилувчи юксак даражадаги кўрсатувлар тайёрланаётганидан бизнинг ТВ — тарбия ўчоғи эканлигини англашимиз керак.

— Суҳбатингиз учун раҳмат! Сизни эртанги айёмингиз — 8 март байрами билан қутлаб, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ суҳбатлашди

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

ПАУЭРЛИФТИНГ: РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

Республика Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежида пауэрлифтинг (оғир атлетика учкураши) бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Баҳсларда 120 дан ортиқ оғир атлетикачилар иштирок этишди. Эркаклар ўн бир вазн тоифасида 52 кг.дан 125 кг.гача ва ундан ортиқ вазнларда мусобақаларда иштирок этишган бўлишса, аёллар ўн вазн тоифасида 44 кг.дан 90 кг.гача ва ундан ошиқ вазнларда баҳслашдилар. Чемпионатда саккизта Ўзбекистон рекорди ўрнатилди. Улардан 60 кг.гача вазнда қатнашган учқудуқлик Надежда Малюгина учкурашда 465 кг. натижа кўрсатган бўлса, навоийлик Юлия Стесенко 470 кг.ни забт этди.

Эркаклар ўртасидаги рекордлар 100 кг.гача бўлган вазнда иштирок этган Александр Лузановга ҳамда 110 кг.гача бўлган вазндаги Александр Макаровга тегишлидир. Улар учкурашда 795 кг.дан тўплашди.

Республикамизнинг олтита вилоятидан 17 та клуб иштирок этган ушбу пауэрлифтинг чемпионатида умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти оғир атлетикачилари биринчи ўринни эгаллашди.



Ғолибларга "Правда Востока" газетасининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Чемпионатнинг яна бир алоҳида жиҳати, у шу йилнинг май ойида Жанубий Кореянинг пойтахти — Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади.

Воҳид СУННАТ

САВАТГА ТЎП-ТАШЛАЁТГАНЛАР

Ҳар куни ишга кетатуриб ва қайтаётиб "Талабалар шаҳарча"сидаги тўртта волейбол майдончасида ҳам, тўртта баскетбол майдончасида ҳам ўқувчилар, талабалар гавжум бўлиб мусобақалашаётганини кўраман. Улар барча майдонларни тўлдириб ўйнаётганлигини кўриб, беихтиёр уларга қўшилиб кетгингиз келади. Баскетбол, волейбол каби спорт турларига қизиқишнинг бу қадар ошишида республикамиз ОАВ орқали МБА "юлдуз"лари фаолияти кенг ёритилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўш, бизда ҳам баскетбол бўйича Ўзбекистоннинг Майкл Жорданлари, Шакил О, Ниллари, Карим Абдулжабборлари ва Арвидас Сабонислари етишиб чиқишига нималар тўсқинлик қилмоқда? Шу каби қатор муаммоли саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Баскетбол федерацияси бош котиби Хислат Аббосов билан суҳбатлашдик.

Суҳбатдош ҳақида қисқача маълумот: Хислат Аббосов — 1938 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган. Баскетбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг собиқ ҳимоячиси. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий" унвони соҳиби.

— Дастлаб баскетболимизнинг бугунги аҳволи, ўтказилаётган мусобақалар, уларга тайёргарлик тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимиз баскетбол терма жамоаси ўтган 2001 йилда бир қатор халқаро турнирларда иштирок этди. Улардан бири — МДҲ мамлакатлари баскетбол турнири бўлса, иккинчиси Осиёнинг 14 та давлатидан вакиллар иштирок этган қитъа чемпионатидир. Шанхай (Хитой)да бўлиб ўтган биринчиликда вакилларимиз 9-поғонани банд этишди. Унда Осиёнинг Хитой, Хитой Тайпейи, Сянган, Қатар, Сингапур, Сурия, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Таиланд, БАА, Қувайт ва Ливан давлатлари терма жамоалари иштирок этди. Миллий терма жамоамиз мустақиллик йилларида кўрсатган энг юқори натижа Малайзияда олти мамлакат терма жамоаси иштирок этган халқаро турнирда эгалланган 3-ўриндир. Терма жамоамиз асосий таркиби Республикамизнинг ўтган йилги чемпиони — МҲСК баскетболчиларидан таркиб топган бўлиб, улар мазкур жамоанинг собиқ ўйинчиси Олег Левин мураббийлигида МҲСКнинг Зобитлар уйи баскетбол маркази спорт залида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтаётган XIV ёзги Осиё ўйинларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Яқинда МҲСК баскетбол жамоаси АҚШда 14 мамлакат ҳарбий спортчилари ўртасида бўлиб ўтган чемпионатда иштирок этиб, 6-ўринни эгаллаб қайтди. Шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги "Чимён" спорт мажмуасида жамоалар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигига старт берилиб, 1-тур мусобақалари якунига етди. Унда МҲСК, ТДТУ, ЎзМУ, Чирчиқ шаҳри, БухДУ, ГулДУ, НамДу, ФарДУ баскетбол жамоалари ғолиблик учун баҳс юритдилар.

— Сизнингча, бу спорт тури ривожига нималар монеълик қилмоқда?

— Ҳар тўкисда бир айб бор деганларидек, ёш спортчиларни кийимлар, тўплар билан таъминлашга кетадиган маблағнинг етишмаслиги йўлимиздаги асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Булар ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Чет эллдан келтириладиганларининг эса нархи қиммат. Спортчиларни воситалар ва анжомлар билан таъминловчи тизим ўзимизда ҳам ташкил этилса, муваффақиятларимиз салмоғи яна ҳам баракали бўларди, деб ўйлайман. Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Баскетбол федерацияси президенти Бахтиёр Ҳурсанбоев раҳбарлигидаги "Ўзбектуризм" миллий компанияси бераётган ҳомийлик ёрдамлари терма жамоамиз баскетболчиларининг халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлашгагина етади. Жуда кўплаб тажрибали мураббийлар соҳага бўлган эътиборнинг камлиги оқибатида бошқа ишларга уннаб кетишди. Бугун фаолият юритаётганлари эса баскетболни ўта яхши кўрганларидан кетишолмаяпти. Маблағ етарли бўлса бизда ҳам халқаро мусобақалар ўтказиш, болалар ўртасида бу спорт турини кенг тарғиб этиш имкониятлари пайдо бўларди. Таъкидлаш жоиз, ўқувчилар ўртасида баскетболга бўлган қизиқиш жуда катта. Қувончлиси шуки, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган тизим иш бошлаш арафасида. Агар бу ташаббус вилоятларимизга ҳам ёйилса ишонамизки, келгусида баскетбол ҳам худди футбол, кураш, теннис сингари оммавийлашади.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» мухбири

ООО "Ал-КНК"га берилган ОКПО №16457013 рақамли райстат коди варақаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

МЧЖ "Делта-Бизнес" корхонаси ўз Низом жамғармасини 745.000.000 миқдорида эканлигини ҳамда шаравой кранлар камайтирилганлигини маълум қилади.
Даъво ва аризалар бир ой ичида қабул қилинади.
Телефон: 90-49-23.

Ҳусанов Р.Ага берилган №222825 серияли имтиёзли йўл гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Баровский номидаги Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти томонидан 1999 йил Комилова Дилоромга берилган №305036 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

С 1 апрель 2002 года ликвидируется дочерная предприятия "MAXSUSMETALL-YIGISH" Бекабадского монтажного управления "Металлургмонтаж". Претензии принимаются в течении месяца со дня объявления ликвидации. Телефон: 54-25-97.

ХОНАДОНИМИЗ ФАРИШТАЛАРИ

Юртимизда аёлларни эъзозлаш, оила ва жамиятда уларнинг нуфузини ошириш, меҳнатини қадрлаш ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Улуғ донишмандлар ҳам Ватанга энг муносиб таъриф излаганларида уни она сиймосига қиёс этганлар. Муқаддас деган сўзга муносиб зот Она эканлиги ўшанда айтилган. Зеро, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек:

Мунис оналарнинг
акси, таъвати,
Кўринар фарзандинг
бўйи, бастида.
Она бу дунёнинг
ноёб хилқати,
Жаннат оналарнинг
оёқ остида...

Бинобарин, бизга ҳаётни инъом этган, оқ сут берган оналар олдида биз ёшлар умрбод қарздормиз. Бу улуғ зот олдида ҳамиша таъзим бажо айлаш биз фарзандларнинг муқаддас бурчимиздир. Мунис ва нуроний онахонлар ҳамиша хонадонларимизнинг фариштаси, шамчироғи бўлиб, кўнгилларимизни мунаввар этаётганлиги билан биз ёшлар фахрланамиз.

Навоий вилоятида ҳам мамлакатимизнинг истиқлоли, буюк келажагини яратишга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Навоий вилояти ҳокимлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Навоий шаҳридаги академик лицей биносида "8 март — хотин-қизлар байрами"га бағишлаб "Аёл билан гўзалдир олам" мавзусида адабий-бадиий анжуман ўтказилди. Ушбу анжуманга ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги шоира қизлар ҳамда педагог хотин-қизлар қатнашди. Анжумандан сўнг аёлларимиз зиммасида баркамол авлодни тарбиялашдек улуғ вазифа борлигини иштирокчилар яна бир карра чуқур ҳис этдилар.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА,
Навоий педагогика коллежи талабаси



Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

НОМИНГИЗ ҚЎШИҒУ КУЙИМИЗДА

Даврон ҒОЙИПОВ:

— Аёллар байрами баҳор фаслида нишонланиши бежиз эмас. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча опа-сингилларимизни, меҳрибон онажонларимизни бу айём билан чин юракдан қутлайман. Бизнинг бахтимизга улар доимо соғ бўлишсин!

Руслан ШАРИПОВ:



— Ҳаётимизни аёлларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар бор-ки, кўнглимиз хотиржам, дилимиз шод. 8 март хотин-қизлар куни билан аёлларни чин дилдан қутлайман. Улар баҳор каби жозибали, латофатли бўлиб юришсин.

Абдулазиз КАРИМОВ:

— Ҳаётда муҳаббат мангу экан, унинг мангулигига аёлларнинг садоқати, вафодорлиги сабабдир. Байрамингиз муборак, азиз ўзбек аёллари! Ҳар доимгидек гўзал бўлиб, барчага ўз саховатингизни улашаверинг. Сизлар борсизки, оҳангимиз, овозимиз жарангдор.

Рустам МАҲМУДОВ:

— Гўзаллик ва нафосат байрами билан барча аёлларимизни чин юракдан қутлайман. Уларга бахт тилайман. Оилалари тинч, турмушлари фаровон бўлсин.

Рашид ХОЛИҚОВ:

— Аёл меҳрибон опа, севимли ёр, жонкуяр она, латофатли сингил... Барча аёлларимизга айём муборак бўлсин. Оилаларига тинчлик, хотиржамлик, ўзларига эса соғлик тилайман. Номлари доимо қўшиғу куйларимизда янграверсин.

Илҳом ФАРМОНОВ:

— Онажонларимизга соғлик-саломатлик, опаларимизга узоқ умр, сингилларимизга гўзаллик тилайман. Нимаики орзу-ниятлари бўлса, барчаси ижобат бўлсин. Кўзлари ҳеч қачон нам кўрмасин...

Анвар САНАЕВ:

— Дунёда ўзбек қизларидан гўзалини ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Уларда шарқона одоб, иффат бор. Байрам юртимизнинг барча аёлларига муборак бўлсин. Ҳамиша гўзал бўлиб, бизни мафтун этишаверсин.

НИЛУФАР

БАЙРАМ КУНИ АЁЛЛАР...

Ҳамма аёллар байрам муносабати билан бўладиган кечага мос кўйлак танлаш устида бош қотирадилар. Улар ўзгача жозибали ва гўзал бўлишни орзу қилишади. Бу табиий ҳол. Қуйидаги маслаҳатларимиз сизга асқотади, деб ўйлаймиз.

Агар байрамни кундуз куни нишонлаётган бўлсангиз, оддий ва камтарона кўйлак-костюм ёки кофта-юбка кийиш мумкин. Буларга қўшимча қилиб бу йил русм бўлаётган энли, марваридли чарм камар тақишни тавсия этиш мумкин.

Кечқурунги базмга эса кўзга ташланадиган кўйлак кийишингиз мумкин. Бундай пайтга қора кўйлак ёки оқ блузка билан узун юбка ҳам бўлаверади. Асосийси, қадди-қоматингизга ярашиб турса бўлди.

Энди юз терисига келсак, унинг кўриниши аввало уни қандай парваришлашингизга боғлиқ. Агар ёшингиз йигирмалар атрофида бўлса, юзингизни яхшилаб совун билан ювинг. Юзингизда ҳуснбузарга ўхшаш майда қизил тошмалар бўлса, унга қарши кремлардан фойдаланманг. Яхшиси, календула дамламаси билан юзингизни артинг ёки 10-15 дақиқа унинг буғида юзингизни ушлаб туринг. Таркибида календула мавжуд бўлган крем, лосьонлардан фойдаланишингиз мумкин. Кўзингизга 20 дақиқа давомида чой дамламасига ботирилган дока ёки бодринг бўлакларини қўйинг. Ёшингизга мос сепкиллар сизни ташвишга солаётган бўлса, қатиқ, лимон ва қизил смородинани юзингизга эрталаб ва кечқурун суртсангиз, фойда беради.

Агар ўттиз ёш атрофида бўлсангиз, юзингизни совун билан кўп ювманг, яхшиси косметика воситалари билан артганингиз маъқул. Ёғли тери учун қирғичдан чиқарилган сабзи, зайтун мойи ва овсянка уни аралашмасидан бўлган маска анча ёрдам беради. Уни 5 дақиқа давомида қўйиб, совуқ сув билан ювилади, сўнг озиқлантирувчи крем сурилади. Қуруқ юзга, яхшиси асал билан тухум сариғи ва озгина зайтун мойи аралашган маска қўйинг. 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташлаб, крем суринг.

Агар ўттиздан ўтган бўлсангиз, юзингизни умуман совун билан ювманг. Кечқурун юзингизни косметика сути билан артинг. Юзингизга бир ош қошиқ қаймоқ ва 2 ош қошиқ туз аралашмасини айланма ҳаракатлар билан суринг. Илиқ сув билан ювиб ташлаб, шифобахш ўтлар дамламаси билан артинг. Тухум оқини кўпиртириб, икки томчи лимон шарбатини қўшинг. Бу маскани юзингизга суринг ва қуригач, яна ўт дамламаси билан юзингизни артинг. Ана энди озиқлантирувчи крем сурсангиз бўлади.

Азиз аёллар! Сиз ҳамиша гўзалсиз. Фақатгина бироз эътибор сизни янада гўзаллаштиради. Бунга ҳеч шубҳа йўқ.

Н. САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади

ҚИЗЛАР ГУЛДАСТАСИ

СЎРАГИН

Севгим сўра, сўрагин,
Шамоллардан сўрагин.
Том бошида очилган
Лолалардан сўрагин.
Севгим сўра, сўрагин,
Тош тоғлардан сўрагин.
Уммон бўлиб ҳайқирган
Тўлқинлардан сўрагин.
Севгим сўра, сўрагин,
Кун-у, тундан сўрагин

Маржон каби сочилган
Юлдузлардан сўрагин.
Дайди шамол,эсмагин,
Ёр хаёлин бўлмагин.
Сочларини тўзғитиб,
Шубҳа гумон солмагин!

Дилбар МУРОДОВА,
Сергели тумани

СЕН ҚАЧОН ҚАЙТАСАН?

Ям-яшил либосда қайтди навбаҳор,
Жаннатга айланди қир-адир, боғлар.
Оҳ, менинг қалбимда бир ҳавас йиғлар,
Сен қачон қайтасан, қалбим баҳори?

Ўй сурдим, ўйимнинг йўқдир адоғи,
Куйдириб, кул қилди ёрнинг фироғи.
Наҳот, энди ёнмас севгим чироғи,
Сен қачон қайтасан умрим баҳори?

СЕНИ СЎРОҚЛАЙМАН

Узоқларга термулиб гоҳо,
Сўроқлайман сени азизим.
Соғинчимга бергандай баҳо,
Еллар тарар сочимни шу зум.

Қайлардасан, юборгин садо,
Интиқ, баҳор, йўлингда кўзим.
Қани айтгил, эй дилкаш сабо,
Келармикан ёниқ юлдузим?

Дилрабо БОБОҚУЛОВА

БОЛАЛИГИМ БОЛАЛИК

Болалигим, болалик,
Кел, бир ўйнаб олайлик.
Болаликнинг сўзи бу,
Шўхликларнинг кўзи бу.
Ўйнаб, кулсак майлига,
Уришмасак ҳар нега.
Катталарнинг гапи бор,
Унутмайлик биз зинҳор.
Ўйиндан ўймоқ чиқди,
Йиқилиб оёқ чиқди.

Болалигим, болалик,
Кел, бир ўйнаб олайлик.

Гулзода ИБРОҲИМОВА,
ўқувчи

ҲАЗИЛ

- Оналарнинг ёмони йўқ, қайноналарнинг яхшиси.
- Гул қолдирма, пул қолдир.
- Қизларнинг нуқсони йўқ, Келинларнинг бенуқсони.
- Сепли қиз, эпли қиз.

Феруза ҚУВОНОВА
тайёрлади

ГУЛ РАНГИ ВА АЁЛ ТАБИАТИ

Қизил гул — кучли ҳис-туйғулар уйғотади, қайғу ва хафагарчиликни тарқатади, руҳиятини кўтаради, ҳатто босимни мўътадиллаштиради.

Сариқ гул — яхши кайфият уйғотади, тетиклаштиради, асабларни тинчлантиради.

Сиёҳранг гул — тушкун кайфиятни чақиради, кайфиятни туширади, лекин сабр-тоқатни оширади.

Қовоқ ранг — хурсандчиликни чақиради, асабларни тинчлантиради, қон айланишини яхшилайди ва иштаҳани очади.

Оқ гул — орзуларингизни янада кучайтириб, сизни хаёллар дунёсига етаклайди.

Яшил гул — кўнглингизни хотиржам қилади. Асабларингизни тинчлантиради. Унга қараб ҳаётдан завқланасиз.

Утерянный гос.ордер №06-01/7010
От 29.01.93
Права собственности Рашидовой Гулмиры Абдуганиевны на квартиру считать
НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ

Тошкент вилояти Қибрай туман Усмонов номли 16-ўрта мактаб томонидан 2001 йил Султонов Баҳромга берилган №1137014 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БОШҚОТИРМА

ЁЙЛАР БЎЙИЧА:

1.Мақтов шеър. 2. Иш-фаолиятда орттирилган маҳорат. 3. "Темир хотин" асари қаҳрамони. 4. Инсонни улуғлаш, эъзозлаш туйғуси. 5. Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" асари қаҳрамони. 6.Ойбекнинг "Навоий" романи қаҳрамони. 7. Сомса тури. 8.Ўзбек халқ мумтоз куйи 9.Қадрдонлик, меҳр, муҳаббат туйғуси 10.Юлдузлар туркумига мансуб аёллар исми. 11. "Парвона" драмаси қаҳрамони. 12. Эваранинг фарзанди. 13. Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи қаҳрамони. 14. Зардан гул тикувчи чевар. 15. Аёллар журнали. 16. Ўзбек мумтоз, ғазалнавис шоираси, давлат арбоби. 17. "... ва Қиммат" эртак номидан. 18. Робиндранат Тагорнинг "Ҳалокат" романи асосидаги "Ганг дарёсининг қизи" фильми қаҳрамони. 19. Мислсиз тараққиёт, ривож. 20. Урф-одатлар мажмуи. 21. Миллий газлама тури. 22. Ип ўрами. 23. "Ўткан кунлар" романи қаҳрамони. 24. Маълум вазифа, лавозим. 25. Тадрижий ёки нисбий тараққиёт поғонаси. 26 Бир йиллик хушбўй ўсимлик. 27. Пойтахтимиздаги трикотаж буюмлари корхонаси.

Энди айланалардаги ҳарфларни соат мили йўналишида ўқинг. Улардан форс-тожик мумтоз шоири, мутафаккир Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб ҳикматли сўзлардан бирини билиб оласиз.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ШОКОЛАДЛИ ТОРТ



Хамир учун:

3 ош қошиқ какао, 100 гр. маргарин, 3 та тухум, 0,5 ст. сут, 300 гр. ун, 2 ч/қ сода, 0,5 ст. қаймоқ, 1 ст. шакар, 3 ош қошиқ амаретто ликери ,ванилин.

Крем учун:

200 гр. сарёғ, 0,5 банка қуюлтирилган сут, 1 плитка шоколад.

Глазур учун:

7 ош қошиқ сут, 3 ош қошиқ какао, 0,5 ст. шакар, 50 гр. сарёғ.

Тайёрлаш:

Тухум сариғи, юмшатилган маргарин, сут, какао, ун, сода ва қаймоқ аралаштирилиб, устига шакар билан яхшилаб кўпиртирилган тухумнинг оқи солинади. Хамир чуқур қолипга солиб, газ плитасида 1 соату 10 дақиқада пишириб олинади. Совигач, уч қаватга бўлинади ва ҳар бири устига ликёр сепилади.

Сариёғ билан қуюлтирилган сут кўпиртирилади. Шоколад майда бўлакларга бўлиниб солинади. Торт бўлаклари орасига крем сурилиб ёпиштирилади. Энг устини шоколадли глазур билан қоплаб, торт безатилади. Агар марципан топа олсангиз, ундан юлдузчалар кесиб, торт устига қўйиб чиқинг. Тайёр тортни 1 соат совутгичда сақлаб, кейин столга тортишингиз мумкин.

Саҳифани Зиёда АШУРОВА тайёрлади

«Туркистон» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими, адабиётшунос олим Раҳмон Кўчқоровга отаси ***ЎРМОНЖОН*** *отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.*

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-22
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ